

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисига
2021 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг
хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси
холати тўғрисидаги
хисоботи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида **Янги
Ўзбекистонни** барпо этиш мақсадида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг
қамровли ислоҳотларда фуқароларнинг қонуний ҳақ-хуқуқ ва эркинликларини
ишончли ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда ички ишлар органларини **халқчил давлат идорасига айлантириш**
ҳамда ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат фаолиятини халқ манфаатлари йўлида
сафарбар этилишини таъминлаш учун тизимда изчил ислоҳотлар давом
эттирилмоқда.

Хусусан, 2021 йил мобайнида ички ишлар органларининг фаолиятини **сифат
жихатидан янги босқичга қўтариш** мақсадида бир қатор қўйидаги комплекс чора-
тадбирлар амалга оширилди.

**I. 2021 йилги “Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини
мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги
ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли
саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги
чора-тадбирлар учун Ички ишлар вазирлиги асосий ижрочиси этиб белгиланган
жами **6 та** банднинг барчаси бажарилди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббус билан
республикада фуқароликка қабул қилиш тизимидағи ислоҳотлар давом эттирилиб,
Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш тартиби янада соддалаштирилди.

Бу борада, давлатимизда 15 йил давомида (*2005 йил январгача*) истиқомат
қилаётган **20 мингдан** ортиқ фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам Ўзбекистон
фуқаролигини олиш учун имкониятни яратиш мақсадида, **2021 йил 14 июнда**
“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” алоҳида қонун қабул қилинди.

Иккинчидан, инсон хуқуқларини таъминлаш соҳасида халқаро стандартлар
ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда Жазони ижро этиш ва Пробация
хизмати йўналишида жиноятга қўл урган шахсларни соғлом турмуш тарзига
қайтариш бўйича **янги тизим жорий** этилди.

Бунинг натижасида,

- халқаро стандартлардан келиб чиқиб, **25 та** манзил-колониялар (*2022 йилда
6 тагача*) босқичма-босқич қисқартирилади ва манзил-колонияларнинг бино
иншоотлари тегишили худудий ҳокимлар балансига ўтказилиши белгиланади;

– биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига хукм қилинган
маҳкумларни манзил-колонияларига эмас, пробация бўлинмалари назоратига олиш
амалиёти жорий этилиб, уларни озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда
ижтимоийлашувига эришиш учун амалдаги Жиноят-ижроя кодексига ўзгартириш
ва қўшимча киритилди;

– пробация хизматининг марказий ва ҳудудий маҳкамалари мақоми оширилади, “пробация фаолияти” таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмлари такомиллаштирилади.

Учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш ва соҳада “инсон омили” таъсирини камайтириш мақсадида **З та янги тартиблар** амалиётга татбиқ этилди:

– транспорт воситаларини **техник кўрикдан** ўтказиш экстерриториаллик тамойили жорий этилди;

– ҳудуддан қатъий назар **давлат рақами белгиларини** бериш ва миллий **ҳайдовчилик гувоҳномасини** расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди;

– ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун **имтиҳон олиш жараёнини** жамоатчилик томонидан, шу жумладан Интернет тармоғи орқали “онлайн” кузатиш амалиётини жорий этилди;

– 2021 йил **1 августидан бошлаб**, тадбиркорлик субъектлари томонидан имтиҳон қабул қилиши учун рухсат берилди.

Тўртингидан, ахоли осойишталигини таъминлаш ва маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бир қатор **янги ёндошувлар** амалиётга жорий этилди.

Бешингидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан **Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси** тасдиқланди ва унга кўра республиканинг барча ҳудудларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун **10 та давлат идораларининг аниқ вазифалари** ва уларни **амалга ошириш тартиби белгиланди**.

II. Ички ишлар органлари фаолиятини янги босқичга кўтариши борасида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига тарихда илк бор ж.й. **12 февралда** ўтказилган **Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида** ички ишлар органларининг фаолиятини **сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш** бўйича энг долзарб ва муҳим масалалар белгилаб берилди.

Мазкур топшириқлар ижросини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, 2021 йил 15 февралда барча ҳудудий ички ишлар органлари ва профилактика инспекторлари иштирокида **Вазирлик Ҳайъатининг алоҳида йиғилиши** (5-BХ-сон) ўтказилди ва 18 февралда Ички ишлар вазирлигининг “**Йўл харитаси**” ишлаб чиқилди.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқларининг ижросини таъминлаш борасида **4 та** қонун, Президентнинг **2 та** фармони ва **6 та** қарори, **21 та** Хукумат қарорлари қабул қилинди.

Мазкур хужжатлар билан ички ишлар органларида бошқарув тизими **мутлақо янги шаклда** тузилди, яъни турдош **соҳавий** хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун бевосита вазир ўринbosари томонидан бошқарилаётган Тезкор-қидирав, **Жамоат хавфсизлиги**, **Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш** ҳамда **Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар** билан **таъминлаш** департаментлари ташкил этилди.

Шунингдек, барча жазони ижро этиш муассасалари худудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, ягона марказлаштирилган тизимига бирлаштирилди ва бевосита Ички ишлар вазирлиги хузуридаги **Жазони ижро этиш департаментига бўйсундирилди**.

Маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, ж.й. март-май, сентябрь-октябрь ва декабрь ойларида **Ички ишлар вазири** ҳамда вазир ўринbosари (*А.Икрамов, Б.Абдуллаев*) бошчилигига, жойлардаги оғир маҳаллаларда муаммоларни ҳал этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида иш ташкил этилди.

Криминоген оғир маҳаллаларда ички ишлар органларининг таянч пунктлари тутатилиб, жиноятчиликни “жиловлаш”нинг **янги механизми** сифатида **248** та “**Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари**” ташкил этилди.

Республикадаги барча маҳаллалар (*9 314 ta*) криминоген вазиятга қараб учта тоифага, яъни “**қизил**” (*3 047 ta*), “**сариқ**” (*2 682 ta*) ва “**яшил**” (*2 639 ta*) тоифаларга ажратилди.

“**Қизил**” ва “**сариқ**” тоифали маҳаллаларда “**жиноят ўчоқ**”ларини бартараф этиш учун уларнинг ҳар бири туман-шаҳар ҳокими, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига бириктирилди.

Пойтахтда **72** та, қолган худудларда эса **830** та маҳаллада оғир криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун “**маҳаллабай**” дастурлари ишлаб чиқилиб, ижрга қаратилди.

Ҳар бир худудда шундай маҳаллаларнинг **10 тасида** бу ишлар учун **вилоят даражасидаги биринчи раҳбарлар** шахсан масъул этиб белгиланди.

Жиноятчилик сабабларини **илмий ёндашув** асосида аниқлаш ва бартараф этиш учун энг оғир **42** та маҳалла **идоравий олий ўқув юртларига** (*ИИВ Академияси, Бош прокуратура Академияси, Миллий гвардия Жамоат хавфсизлиги университети*) бириктирилди.

Бевосита маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2021 йил якунига кўра республикадаги **9 314** та маҳаллалардан **2 639** тасида (28,3 %) биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

III. Жиноятчиликка қарши курашии натижаларини яхшилаш бўйича

2021 йил мобайнида республика худудида жиноятчиликни жиловлаш, содир этилган жиноятларни фош этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор **комплекс чора-тадбирлар** амалга оширилди.

Энг асосийси, аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, жиноятларни аниқлаш ижобий натижажа сифатида баҳолаб, бу борада ходимларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди.

Хусусан, ҳисобот даврида республикада содир этилган умумий жиноятлар сони **111 082** тани ташкил этиб, ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ўртача **321** тадан тўғри келган.

Шу жумладан, жиноятларни тергов қилиш давомида **29 431 та** (жами жиноятларнинг 26,5 %) жиноятлар аввалги йилларда содир этилганлиги аниқланди ва 2021 йилда ҳисобга қўйилди. Шунингдек, ходимларнинг ташаббуси билан **32 889 та** жиноятлар аниқланди (жами жиноятларнинг 29,6 %).

Қайд этиш лозимки, аниқланган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **56,7 фоизга** (20 994 тадан 32 889 тага) яхшиланди.

Шу жумладан, ички ишлар органлари томонидан:

– **1 313 нафар** шахслар томонидан содир этилган **1018 та** коррупция ва иқтисод соҳасидаги жиноятлар аниқланиб, улар оқибатида етказилган **180,6 млрд сўм** миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланди;

– **1 тн 477 кг** наркотик воситалари олинди;

– **741 бош** хизмат итлари ёрдамида **3 977 та** жиноятлар фош этилиб, **75 кг** ортиқ гиёҳвандлик воситалари аниқланди;

– тарғибот-ташвиқотлар натижасида **1 007 дона** қурол ва **3 004 дона** ўқдориларни фуқаролар ўз хоҳиши билан топширди, **139 нафар** фуқаролар эса **141 дона** қурол ва **506 дона** ўқдориларни ноқонуний сақлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди;

– **одам савдосига қарши курашиш** йўналишида **162 та** жиноий ҳолат аниқланиб (шундан 96 таси шаҳвоний мақсадда, 55 таси чақалоқ савдоси, 11 таси мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолат), **195 нафар** шахсга нисбатан қонуний чоралар кўрилди;

– республикада содир этилган жиноятларнинг **98 776 таси ёки 88,9 фоизи** фош этилди, тергов органларидан яширинган **4 615 нафар** шахслар ушланди, **434 нафар** бедарак йўқолганлар топилиб, **104 та** шахси номаълум мурдаларнинг шахси аниқланди.

IV. Алоҳида тоифадаги шахслар орасида ҳукуқбузарликлар профилактикаси тадбирлари

Ёшлар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида алоҳида эътибор **уюшмаган ёшлар** билан ишлашга қаратилиб, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чоралари кўрилди.

Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида, 2021 йил 18 апрелда “**Тошкент тажрибаси**” яратилди (33, 20-ҚҚ, 13, 451-сон қўшима қарори) ва мазкур тажриба асосида пойтахтдаги **16 328 нафар** ёшларнинг муаммолари ўрганиб чиқилиб, уларнинг **4 535 та** муаммолари “**фуқаробай**” тамойили асосида ижобий ҳал этилиши таъминланди.

2021 йил 26-27 июнь кунлари Тошкент шаҳридаги **500 нафар** уюшмаган ёшлар билан Вазирлик Академиясининг “Ўқув дала” марказида “**Ватан келажаги ёшлар қўлида**” шиори остида **илк бор** ёшлар форуми ўтказилди.

Мазкур тадбир давомида мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар бўйича амалий **кўргазмалар**, касб эгаллаш ва тадбиркорликни бошлаш учун яратилаётган имкониятлар юзасидан хусусий сектор ва банк вакиллари томонидан **тушунтириш ишлари** олиб борилди.

Хотин-қизлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда оиласаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан:

– **6 610 нафар** хотин-қизларнинг ишга жойлашишида, **6 976 нафариға** моддий ва ижтимоий ёрдам берилишида, **1 547 нафарини** тиббиёт диспансерлариға юборилишида, **1 653 нафариға** шахсини тасдиқловчи хужжатларни қайта тиклашда, **2 398 нафариға** тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдамлар кўрсатилди;

– “ҳимоя ордери” расмийлаштирилган **39 343 нафар** нафар хотин-қизларнинг оиласарида олиб борилган профилактик ишлар натижасида **20 769 та** оила яраштирилди, **15 142 та** оиласарда низолари бартараф этилди, шунингдек, уларнинг қонуний ҳақ-хукуқларини тўлиқ таъминлаш мақсадида, тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган **2 229 нафар** шахслар ҳимоя ордери талабларини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Аҳолининг кам таъминланган, якка ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлаш борасида “маҳаллабай” тизими йўлга қўйилди.

V. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидағи тадбирлар

Йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг барвақт олдини олиш борасида бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республика бўйича йўл ҳаракатини назорат қилиш мақсадида автомобиль йўллариға жами **1 584 та** камера, жумладан **1 154 та** кузатув, **430 та** йўл ҳаракати қоидабузарликларни аниқлаш камералари ўрнатилди.

Тезликни назорат қилиш бўйича “**Онлайн**” режимида ишловчи **252 та** фоторадар ҳамда **60 та** “Nexia 3” русумли автомобиллар базасига ўрнатилган мобиль комплекслар (“*ATLAS International*” компаниясининг “*MultaRadarCD*” русумли мобиль комплекслари) ишга туширилди.

Йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир этилаётган **118 та** автоавария “**ўчоқлари**” аниқланиб, бартараф этилди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида, автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида **50 286 та** янги йўл белгилари ўрнатилди, **30 984 та** эскирган йўл белгилари **янгисига алмаштирилди**, **17,3 млн кв.м** йўл қатнов қисми ва **2 315 та** сунъий нотекисликлар тўсиқлар ўрнатилди.

VI. Ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириши

Ички ишлар органлари фаолиятига **рақамли технологиялар** ва сунъий интеллектни жорий этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг “**Ички ишлар органлари фаолиятига рақамли технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори 2021 йил 15 октябрь куни тасдиқланди.

Қарор билан **ички ишлар тизимиға ахборот технологияларини жорий этиш концепцияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар дастури** (**91 та банд**) белгиланди.

Жумладан 2021-2023 йилларда соҳага **12 та** янги ахборот тизимларини жорий этиш, давлат хизматларининг **80 фоизини** электрон шаклга ўтказиш бўйича манзилли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тизимдаги соҳавий хизматлар фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳамда фуқароларга енгиллик яратишга қаратилган **қуйидаги ишлар бажарилди**.

Ички ишлар органларининг рақамли инфратузилмасини модернизация қилиш, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказини ташкил этиш (*мавжуд 4 та маълумот қайта сақлаши марказлари бирлаштирилади*) юзасидан лойиха-тадқиқот ишлари якунланди ҳамда асосий **сервер хона инфраструктураси шакллантирилди**.

Вазирлик Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тузилмасида **Ситуацион-таҳлилий марказ** ташкил этилди.

Давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ИИВ ва Ахборот технологиялари вазирлиги ўртасида “Хамкорлик келишуви” тасдиқланниб, жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишида **18 турдаги** хужжатлар “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олиниши йўлга қўйилди.

VII. Ички ишлар органлари ходимларининг умумий дунёкараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириши борасидаги ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори билан тасдиқланган “**Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси**” ижросини таъминлаш мақсадида, ж.й. 3 майда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг ўзаро **хамкорлик меморандуми** имзоланди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг **14 та Академик лицейлари**, Нукус шаҳрида “**Темурбеклар мактаби**” ҳарбий-академик лицейи ва **1 та Ихтисослаштирилган мактаб-интернати** ташкил этилди.

Раҳбарлар ва ходимларнинг **малакасини ошириш** ва қайта тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

2021 йил давомида **40 316 нафар** ички ишлар органлари ходимлари турли модуллар ва ўз йўналишлари бўйича **малака ошириш дастурлари асосида ўқитилди**.

Узлуксиз ўкув-карера жараёни тизими бўйича 2021 йил давомида **2 479 нафар** ходимлар ўқитилиб, шулардан **2 182 нафарига** тегишли намунадаги сертификатлар топширилди.

Бошланғич қасбий тайёргарлик курслари бўйича **431 нафар сафдорлар** таркибидаги ходимлар ва **523 нафар** туман, шаҳар ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича **инспектор-психолог** лавозимига хизматга қабул қилинган ходимлар ўқитилди.

Бундан ташқари, ходимлар малака ошириш институти базасида ва унинг масофали таълим платформаси орқали **336 нафар** ходимлар **масофадан** ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги